



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2025

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИБ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

**Турсунова Юлдуз Бобоқулловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Диларам Иноятова</b> НЕМЕЦКАЯ ДИАСПОРА УЗБЕКИСТАНА: СОХРАНЕНИЕ ЭТНИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ.....	5
<b>2. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....	11
<b>3. Umida Azamjonova</b> TARIXIY ME'MORIY YODGORLIKLARNI KONSERVATSIYA VA TA'MIRLASH METODLARI TANLILI (XORIJIY TAJRIBALAR MISOLIDA).....	16
<b>4. Javlonbek Begaliyev</b> O'ZBEKISTONDA SOVET DAVRIDA SAN'AT VA MADANIYAT YO'NALISHLARIDA MUALLIFLIK HUQUQI MASALASI BILAN BOG'LIQ AYRIM MULOHAZALAR (1930-1970 YILLAR MISOLIDA).....	20
<b>5. Azizbek Muminov</b> FARG'ONA VODIYSI TABIIY OBYEKTLARINING TARIXIY-GEOGRAFIK TASNIFI VA ULARNING ZAMONAVIY TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI.....	26
<b>6. Фируза Мухитдинова</b> ИНСОННИНГ ЎЗ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНГАН АСОСИЙ ҚОИДА.....	31
<b>7. Sardorbek Rahimberdiyev</b> MEHNAT MIGRANTLARINING IJTIMOIIY HOLATI VA MADANIY IDENTIFIKATSIYASI (KOREYADAGI O'ZBEKLAR MISOLIDA).....	42
<b>8. Baxtiyar Kurbanov</b> 1941-1943-YILLARDA TEMIR YO'L TRANSPORTI ISHINING FRONT VA XALQ XO'JALIGI MANFAATLARI UCHUN QAYTA QURILISHI.....	48
<b>9. Ғайратбек Хайдаров, Мухитдин Саттаров</b> ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ.....	55
<b>10. Гуласал Шакирова</b> ПОНЯТИЕ И ЭВОЛЮЦИЯ МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИИ В ПОЛИТИЧЕСКИХ КОММУНИКАЦИЯХ.....	60
<b>11. Shuxrat Toshturov</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING EKOLOGIYA VA BIOLOGIK RANGBARANGLIKNI SAQLASH SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIGI.....	71
<b>12. Пётр Чублуков</b> РОЛЬ ЗАВОЕВАТЕЛЬНЫХ ПОХОДОВ АЛЕКСАНДРА МАКЕДОНСКОГО В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРЫ ЭЛЛИНИЗМА НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ.....	79



**Фируза Мухитдинова,**  
юримдик фанлар доктори, профессор, ТДЮУ

## **ИНСОННИНГ ЎЗ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХУҚУҚИ – ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНГАН АСОСИЙ ҚОИДА**

**For citation:** Firuza Mukhitdinova. HUMAN RIGHTS FOR THE PROTECTION OF HIS RIGHTS AND INTERESTS IS THE FUNDAMENTAL RULE CONFIRMED IN THE UPDATED CONSTITUTION. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 12.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18035110>

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада 2023 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририда инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг моҳияти, принциплари ва амалий аҳамияти таҳлил қилинади. Инсон қадр ва қонун устуворлиги тамойиллари ҳуқуқий давлатнинг негизи сифатида аҳамиятга моликдир. Мақолада шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг конституциявий қафолатлари, уларни амалга ошириш механизмлари, давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Инсон ҳуқуқлари, Конституция, инсон қадр, қонун устуворлиги, ҳуқуқий давлат, қафолатлар.

---

**Фируза Мухитдинова,**

доктор юридических наук, профессор, ТГЮУ

## **ПРАВА ЧЕЛОВЕКА ДЛЯ ЗАЩИТЫ ЕГО ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ — ОСНОВНОЕ ПРАВИЛО, ПОДТВЕРЖДЕННОЕ В ОБНОВЛЕННОЙ КОНСТИТУЦИИ**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье анализируется сущность, принципы и практическое значение права человека на защиту своих прав и законных интересов, закреплённого в обновлённой Конституции Республики Узбекистан 2023 года. Человеческое достоинство и верховенство закона рассматриваются как основа правового демократического государства. Раскрываются конституционные гарантии личных, политических, экономических и социальных прав, а также механизмы их реализации и обязанности государства в сфере защиты прав человека.

**Ключевые слова:** права человека, Конституция, человеческое достоинство, верховенство закона, правовое государство, гарантии.

---

**Firuza Mukhitdinova,**  
Doctor of Law, Professor,  
Tashkent State University of Law

## HUMAN RIGHTS FOR THE PROTECTION OF HIS RIGHTS AND INTERESTS IS THE FUNDAMENTAL RULE CONFIRMED IN THE UPDATED CONSTITUTION

### ABSTRACT

This article analyzes the essence, principles, and practical significance of the right to protect one's rights and interests as enshrined in the updated 2023 Constitution of the Republic of Uzbekistan. Human dignity and the rule of law constitute the foundation of a democratic legal state. The article examines constitutional guarantees of personal, political, economic, and social rights, as well as mechanisms for their protection and the state's obligations in the field of human rights.

**Index Terms:** human rights, Constitution, human dignity, rule of law, legal state, guarantees.

### Кириш:

Янги Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг марказида инсон қадрини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий давлатнинг бош мезони сифатида белгилаш тамойили турибди. 2023 йилдаги Конституциянинг янги таҳрири мамлакат тараққиётининг янги босқичини ифодалайди ва ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт кафолатини таъминлашга қаратилган.

Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи фақат ҳуқуқий қадрият эмас, балки давлат фаолиятининг асосий устуни сифатида эътироф этилмоқда.

### Методология:

Мақола қуйидаги методлардан фойдаланган ҳолда тайёрланди:

- **Норматив-ҳуқуқий таҳлил** – Конституциянинг моддалари ўрганилди.
- **Тарихий метод** – инсон ҳуқуқлари ривожланишининг эволюцияси таҳлил қилинди.
- **Қиёсий таҳлил** – халқаро стандартлар ва жаҳон амалиёти билан солиштирилди.
- **Системали ёндашув** – инсон ҳуқуқлари тизими яхлит кўринишда ёритилди.

### Асосий қисм

#### 1. Инсон қадри ва қонун устуворлиги – янги конституциявий парадигма

Конституциянинг 2-моддасига биноан, давлат инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлигига таянган ҳолда иш юритиши шарт. Инсон қадри устувор қиймат сифатида белгиланиши ҳуқуқий давлат учун асосий мезондир. Ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бу ўзаро муносабат икки тарафлама характерга эга: давлат фуқароларнинг хавфсизлиги, фаровонлиги, тинчлиги ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш беришга мажбур, фуқаролар эса қонунларга риоя этиш, бурч ва мажбуриятларни бажариш орқали жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари лозим.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ушбу асосий принциплар алоҳида муҳим ҳуқуқий қоида сифатида мустаҳкамланди. Бунда эътибор марказига инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўйилмоқда. Зеро, қонунлар инсонларнинг оғирини енгил қилиши, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаши, турмуш тарзини яхшилаши керак. Шу боис, янгиланган конституциявий нормалар ҳуқуқий муносабатларда инсон манфаатини устувор қиймат сифатида эътироф этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз зиммасига қатор муҳим мажбуриятларни олган. Энг аввало, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳолда, ижтимоий адолат, қонунийлик ва қонун устуворлиги принциплари асосида амалга ошириши шарт экани белгилаб қўйилган. Конституцияга мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар эса жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар. Шунингдек, Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш ҳамда мамлакат ичида ва ташқарисида ўз фуқароларига ҳуқуқий ҳимоя ва ҳомийлик кўрсатиш мажбуриятини олади. Масалан, Конституциянинг Иккинчи бўлими. “Инсон ва фуқаронинг асосий

хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланади ва унинг **19-моддасида** Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт дейилган. Шу билан бирга **20-моддада қайд этилганидек**, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир.

Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

**21-моддада эса**, Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги кафолатланган. **23-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас.

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади.

#### **24-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этиши белгиланган. **VII боб айнан «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» га қаратилган уууннинг 25-моддасига кўра**, Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

#### **26-модда.**

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

#### **27-модда.**

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

#### **28-модда.**

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

#### **29-модда.**

Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.

#### **30-модда.**

Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким айна бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас.

#### **31-модда.**

Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаётган қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

### **32-модда.**

Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно.

Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга.

### **33-модда.**

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

### **34-модда.**

Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

### **35-модда.**

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. **IX боб. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар**

### **41-модда.**

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

### **42-модда.**

Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

**43-модда.**

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

**44-модда.**

Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

**45-модда.**

Ҳар ким дам олиш ҳуқуқига эга.

Ёлланиб ишловчиларга дам олиш ҳуқуқи иш вақтининг давомийлигини, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларини, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилини белгилаш орқали таъминланади.

**46-модда.**

Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

**47-модда.**

Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**48-модда.**

Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

**49-модда.**

Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради.

#### **50-модда.**

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

#### **51-модда.**

Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

#### **52-модда.**

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

#### **53-модда.**

Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

### **X боб. Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари**

#### **54-модда.**

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир.

Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

#### **58-модда.**

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

### **XI боб. Фуқароларнинг бурчлари**

#### **59-модда.**

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

XIV боб. Оила, болалар ва ёшлар

#### **76-модда.**

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий кадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади.

Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади.

#### **77-модда.**

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

#### **78-модда.**

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

#### **79-модда.**

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

#### **80-модда.**

Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар

аёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган ҳолда, уларни таъминлаш учун амалда бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, шахсий ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар инсоннинг дахлсизлиги, шахсий хавфсизлиги ва эркин ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқлари ҳам тўлақонли таъминланмоқда. Бу борада Сайлов кодекси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатлар давлат ҳокимиятини демократик йўл билан шакллантириш, сайловлар очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар фуқароларнинг уюшиш, эркин фикр билдириш ва жамоатчилик фаолиятида қатнашиш ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади. Бу эса фуқаролик жамияти институтларининг эркин ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратди.

#### **Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши**

19–24-моддаларда инсоннинг ўз ҳуқуқларига эгаллиги, уларнинг дахлсизлиги ва кафолатлари аниқ белгиланган. Муҳим жиҳат – **ҳуқуқлар туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.**

Шу билан бирга:

- ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ҳам фақат **қонун асосида** мумкин;
- давлат органлари томонидан қабул қилинадиган барча қарорлар **инсон манфаатига мос** бўлиши керак;
- барча зиддиятлар **инсон фойдасига** талқин этилади.

### **Шахсий ҳуқуқлар ва уларнинг янги кафолатлари**

Конституция VII боби шахсий ҳуқуқларга бағишланган бўлиб, унда:

- **яшаш ҳуқуқи,**
- **шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш,**
- **эркинлик ва шахсий дахлсизлик,**
- **адолатли судлов,**
- **айбсизлик презумпцияси,**
- **маданий, шахсий маълумотлар ҳимояси,**
- **уй-жой дахлсизлиги**

каби ҳуқуқлар замонавий халқаро стандартларга тўлиқ мос тарзда мустаҳкамланган.

Янгиликлардан бири – **ўлим жазосининг тўлиқ ва конституцион тарзда тақиқланиши.**

### **Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг кенгайтирилиши**

IX бобда мулк ҳуқуқи, меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, уй-жойга эгалик қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби ҳуқуқлар кенгайтирилди.

Масалан:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори **инсоннинг муносиб турмуш даражасидан** келиб чиқиб белгиланади;
- давлат камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтириш бўйича мажбурият олади;
- болалар меҳнатига оид чекловлар кучайтирилди.

### **Давлатнинг инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятлари**

Конституция давлат зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- фуқароларни хорижда ҳуқуқий ҳимоялаш;
- миллатлар кўплиги ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш;
- одил судловни таъминлаш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга давлат томонидан ёрдам.

Бу мажбуриятлар амалий давлат сиёсатида муҳим ўрин тутади.

Янгиланган Конституцияда биринчи бор мустақил норма сифатида шахсга давлатнинг барча ички ҳуқуқий ҳимоя воситалари тугаганда халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Бу қоида мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги очиқ ва демократик сиёсатини намоён этади. Ўзбекистон аъзо бўлган БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқалар) фуқароларга ирқий камситиш, аёллар ва болалар ҳуқуқларини бузиш, ногиронларни камситиш, қийноқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муносабатлар каби ҳолатларда тегишли кўмиталарга мурожаат қилиш имконини беради. Бу норма фуқароларга чет элдаги халқаро механизмлар орқали ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўл очиб беради.

Яна бир муҳим хусусияти, давлат томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ҳам қайд этилган янги нормаларни эътироф этиш жоиз. Конституцияда алоҳида тартибда белгиланишича, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари қарор ва ҳаракатлари туфайли фуқарога етказилган зарар давлат томонидан қопланади. Бу фуқароларни ортгач ҳуқуқий сарсонгарчиликдан қутқаришга хизмат қилади. Бош мақсад инсон манфаатини биринчи ўринга қўйиш ва давлатнинг жавобгарлик маданиятини шакллантиришдир. Яна бор эътиборга молик ҳуқуқий қафолатлар XII бобдаги жамиятнинг иқтисодий негизлари сифатида 65–66-моддаларда демократик бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва хусусий мулк дахлсизлиги тамойиллари асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Айниқса, 65 ва 66-моддалар мамлакатда иқтисодий эркинлик, тадбиркорлик ташаббуси ва мулк ҳуқуқларнинг қафолатларини белгилайди.

65-модда кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Бу қуйидаги асосий тамойилларни англатади. Биринчидан, иқтисодий тармоқларда мулк шакллари хилма-хил: хусусий, давлат, аралаш, жамоатчилик ва бошқа шакллар биргаликда мавжуд бўлиши иқтисодий барқарорлик ва рақобатни таъминлайди. Бунда давлатнинг вазифаси — бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шароит яратиш ва монополияга йўл қўймасликдир. Иккинчидан, истеъмолчилар ҳуқуқлари устувор, бу эса бозор муносабатларида уларнинг манфаатлари биринчи ўринда туриши кераклигини кўрсатади. Тадбиркорлик, иқтисодий фаолият ва меҳнат қилиш эркинлиги қафолатланади — бу иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида қонун даражасида мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, Конституция барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини қафолатлайди. Бирор мулк шаклига бошқасига нисбатан имтиёз ёки камситиш берилмаслиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим талаби ҳисобланади.

65-модданинг энг муҳим жиҳати — хусусий мулк дахлсизлигидир. Мулкдор суд қарори бўлмасдан мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бу қоида инвесторлар ишончи, иқтисодий барқарорлик ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган фундаментал принципдир.

66-модда мулкдор ҳуқуқларининг мазмунини белгилаб беради. Унга кўра мулкдор, мол-мулкка эгалик қилади. ундан даромад олиш, истиқболда ривожлантиришга ҳақли, ва ўз мулкидан фойдаланади, уни тасарруф этади: (сотиш, совға қилиш, мерос қолдириш ва ҳ.к.). Бироқ модда мулкдорнинг фақат ҳуқуқларини эмас, балки ижтимоий мажбуриятларини ҳам белгилайди. Жумладан: мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак, бошқа шахслар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги зарур. Бу талаблар "мулк — масъулият" тамойилини ифода этади. Яъни мулкдор мулкидан фойдаланишда фақат ўз манфаатини эмас, умумий ижтимоий манфаатларни ҳам ҳисобга олиши керак. Бу нормалар Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади, мамлакатни замонавий бозор иқтисодиёти ва адолатли жамиятга олиб боровчи стратегик йўналишни белгилайди.

Шунингдек, қонунчиликдаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилади. Эътибор беринг-а, янгиланган Конституциядаги энг муҳим янгиликлардан бири — қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши”дир. Бу тарихий қадам инсон қадрини эъзозлаш тамойилининг амалий ифодасидир. Масалан, агар Солиқ кодексида ёки тадбиркорликка оид қонунларда икки хил норма бўлса, агар давлат ва фуқаро ўртасида баҳсли ҳолат юз берса, агар ишни давлат фойдасига ҳам, фуқаро фойдасига ҳам ҳал этиш мумкин бўлса, бундай барча ҳолатларда қарор фуқаро манфаатига қабул қилинади. Бу одамларнинг давлатга бўлган ишончини оширади ва мансабдорларни масъулиятли иш юритишга ундайди. Янги норма фақат ҳуқуқий-амалий аҳамиятга эга эмас. Унинг амалий қиймати жуда катта. Яъни, давлат органлари қарор қабул қилаётганда инсон ҳуқуқи устувор бўлади. Иккинчидан, мансабдор шахслар фаолияти инсон манфаатларига зид бўлмаслиги шарт қилиб қўйилади. Учунчидан, фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бефарқ ёлғиз эмас — уларда мустақил механизмлар ва қафолатлар мавжуд. Шахснинг ўз ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи — Конституциямиздаги энг ҳаётий ва амалий нормалардан биридир. У инсон шаъни ва кадр-қиммати устуворлигини таъминлайди. Давлат органларининг жавобгарлигини мустаҳкамламоқда. Фуқароларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий ва халқаро имкониятлар яратиб берган янги даврнинг конституциявий кафолати бўлиб халқ ишончини қозонмоқда. Қонунчиликдаги ноаниқликларни фуқаро фойдасига ҳал этишни кафолатлайди. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва фуқаролар давлатга боғлиқ эмас, балки давлат фуқарога хизмат қиладиган тизимни шакллантиришга хизмат қилади. Янги тарирдаги Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат” экани алоҳида ва қатъий белгилаб қўйилди. Алоҳида эътиборга лойиқ жиҳат шундаки — мамлакатимиз тарихида илк бор Конституциямизда Ўзбекистоннинг **ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ** сифатидаги мақоми мустаҳкам норма сифатида қайд этилди.

Бу ўзгариш назарий таъриф эмас, балки амалдаги чора-тадбирлар билан тасдиқланмоқда. Бугунги кунда юртимизга нисбатан хорижий давлатларнинг ишончи ва эътиборининг ортиши ҳам шунинг яққол далиллари билан биридир. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби нуфузли минтақавий тузилмалардаги фаол иштирок, уларнинг Ўзбекистонга билдирган ҳурмати ва ҳамкорликка интилиши – халқ фаровонлиги таъминланган, инсон қадри устувор бўлган мамлакатга бўлган ижобий муносабат сифатида намоён бўлмоқда.

Ижтимоий давлат концепциясининг мазмунига батафсил назар ташласак, унда инсонга ғамхўрлик, унинг шаъни ва кадр-қимматига ҳурмат, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби устувор мақсадлар мужассам. Янги Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига оид нормаларнинг уч баробарга кўпайгани ҳам ана шу устувор йўналишнинг ҳуқуқий ифодасидир.

Бу ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Бунга мисол қилиб, жорий йилда ЮНЕСКОнинг 43-сессиясининг Самарқандда ўтказилиши ва унда 190 дан ортиқ давлат вакиллариининг қатнашгани, АҚШ ва бошқа етакчи давлатлар билан амалий ҳамкорликнинг кенгайгани, Ислом цивилизацияси марказининг очилиши ва унда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иштирок этгани, “Келажак мероси” мукофоти соҳибларига бўлган эътибор каби воқеаларни келтириш мумкин. Барча бу жараёнлар бир мақсадга хизмат қилади — инсон шаъни ва кадр-қиммати устуворлигига асосланган янги конституциявий кафолатларнинг халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини кўрсатади.

#### **Xulosa:**

Янги тахрирдаги Конституция инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий давлатнинг бош тамойили сифатида мустаҳкамлади. Инсон қадри, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат ва ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг асосий йўналишини белгиламоқда.

Инсон ҳуқуқларининг конституцион даражада мустаҳкамланиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, давлат органлари масъулиятини кучайтиришга ва қонун устуворлигини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2023.
2. Мухитдинова Ф.А. Конституционное право Республики Узбекистан. – Тошкент: ТДЮУ, 2022.
3. Universal Declaration of Human Rights. United Nations, 1948.
4. International Covenant on Civil and Political Rights, 1966.
5. Хабибуллаев Х., Хасанов Б. Конституционное право: Учебник. – Тошкент, 2021.
6. Nowak, M. Human Rights: A Handbook for Parliamentarians. Geneva: IPU, 2019.
7. OHCHR. International Standards on Human Rights. UN Publications, 2020.



**Tadqiqot.uz**

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000